

БАНК ПЛАСТИК КАРТАЛАРИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ САБАБЛАРИ, УЛАРНИНГ СОДИР ЭТИЛИШИГА ИМКОН БЕРУВЧИ ОМИЛЛАР

Юлдашев Азизжон Шухратович

ИИБ Академияси магистри

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8049773>

Дунёда IT хизматлари шиддат билан ривожланиб бормоқда. Жаҳонда ушбу соҳанинг ўсиш суръатлари йилига 10 фоизни ташкил этиб, жорий йилда 4,3 трлн. долларга етади.

Ахборот технологиялари билан боғлиқ жиноятлар таҳлили шундан далолат бермоқдаки, бу каби ижтимоий хавфли қилмишларнинг содир этилишига жабрланувчиларнинг ахборот технологиялари билан ишлаш ва улардаги хавфсизлик қоидаларига риоя этмасликлари, шунингдек, ахборот маконида ўз хизматларини таклиф этаётган субъектлар маълумотларнинг хавфсизлигини етарли даражада таъминламаганликлари сабаб бўлмоқда.

Баъзи бир тижорат банкларида мавжуд серверлар ва алоқа каналларига бўлган хужумлардан ҳимоя қилиш учун етарли чоралар кўрилмаганлиги оқибатида, ушбу тижорат банкларидаги пул маблағларини яширин равишда талон-тарож қилиш, жиноятлари ортиб бормоқда.

Ўрганишлар натижасига кўра, номаъқул ахборот хужум воситалари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- Ижтимоий тармоқ веб-сайтларининг номаъқул саҳифалари;
- Номаъқул хорижий веб-ресурслар;
- Турли хил жамоат порталлари ва форумлар;
- Компьютер ўйинлари;
- Электрон манзилга юбориладиган ҳар хил даъват этувчи жўнатмалар (спам).

Ахборот технологиялари соҳасида содир этилган жиноятларнинг таҳлилинини ўрганиш давомида қуйидаги ҳолларда компьютер ахборотидан фойдаланган ҳолда жиноятларни содир этиш учун ишлатилган:

- муаллифлик ва аралаш ҳуқуқларни бузиш;
- фирибгарлик;
- қалбакилаштириш, қалбаки ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар ҳамда бланкларни тайёрлаш ёки чиқариш;
- қалбаки пул ёки қимматли қоғозларни тайёрлаш ёки чиқариш;
- ЭХМ тармоғи “Интернет”га уланишда бегона логин ва паролдан ноқонуний фойдаланиб - ишончни суистеъмол қилиб ёки алдов йўли билан моддий зарар етказиш;
- телефон суҳбатлари, почта, телеграф ёки бошқа хабарлар яширин ёзишмалари сирларини бузиш;
- тижорат ёки банк сирларини ташкил этувчи ахборотларни ноқонуний олиш ва тарқатиш.
- инсонлар онгига таъсир ўтказиш ва уларни бошқариш.

– интернет тармоғи орқали турли номаъқул ва ноқонуний жамоалар ташкил қилиш ҳамда уларни мувофиқлаштириш.

Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда фуқароларнинг банк пластик картасидаги пул маблағларини жинойий йўллар билан ўзлаштириш жиноятларини содир этаётган шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритувчи тўлов тизимларидан фойдаланган ҳолда фуқароларнинг банк пластик картасида бўлган пул маблағларини бир нечта банк пластик карталарига ўтказиб, жинойий йўл билан олинган пул маблағларини халқаро электрон пулларга ўтказиш орқали содир этиб, жинойий ҳаракатларини яшириб келмоқдалар.

Жиноят ишлари таҳлили асосида ўзгалар мулкани компьютер техникаси воситасидан фойдаланиб, талон-торож қилишнинг асосий сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитлар ўрганилганда, ушбу турдаги жиноятларни содир этувчи шахслар томонидан кўпгина ҳолларда жиноятларни содир этиш учун қурол сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган банклар, тўлов операторлари ва ташкилотларининг мобиль иловалар ҳамда дастурий таъминотларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириб келаётганликлари аниқланган.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган банклар, тўлов операторлари ва ташкилотларда мавжуд мобиль иловалар ҳамда дастурий таъминотларнинг ҳимоя тизимини кучайтиришга қаратилган зарурий чоралар тўлиқ кўрилмасдан келинмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, фуқароларнинг банк пластик карталарида мавжуд бўлган пул маблағларининг жинойий тажовузлардан ҳимоя қилишни таъминлаш, ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган банклар, тўлов операторлари ҳамда тўлов ташкилотларида мавжуд мобиль иловалар ҳамда дастурий таъминотни ҳимоя қилиш даражасини кучайтиришга қаратилган бир қатор зарурий чораларни кўришни талаб этади. Жумладан,

1. Фуқаро ўзининг мобиль тўлов иловасига боғланган картасини бошқа тўлов иловасига боғлашидан аввал банк пластик карта эгасини огоҳлантирувчи овозли ёзувдан сўнг, аккаунтни фаоллаштириш, тўлов ўтказмасини тасдиқлаш учун тасдиқлаш махфий кодни берувчи қўнғироқларни амалга оширувчи ходим штатларини жорий этиш ёки автоматлаштирилган тизимли чораларни кўриш;
2. Мижоз ўзининг банк пластик картасини қўшимча мобиль иловага боғламоқчи бўлган тақдирда, ўзининг банк пластик картасига боғланган телефон рақам орқали банк маълумотлар марказига (Call centre) қўнғироқ қилиб, ўзининг идентификацион маълумотларини маълум қилганидан сўнг, банк ходими барча хавф-хатарлардан огоҳлантирганидан кейин мижозга махфий кодини SMS хабарнома орқали юбориш тартибини жорий қилиш;
3. Мобиль тўлов иловалар орқали банк пластик картадан пул ўтказмалари (P2P), чет элда фаолият юритувчи мобиль операторлар, электрон ҳамёнлар ва ижтимоий тармоқлар учун тўловлар ҳамда “VISA Master Card” тўлов тизимларида ишловчи банк пластик карталарига тўловларни амалга ошириш учун рухсат берувчи тасдиқлаш кодларини банк пластик карта эгасига ҳар бир тўлов учун алоҳида SMS

хабарномаларни юборишни жорий этиш ҳамда ушбу тасдиқлаш кодларини амал қилиш муддатини 30 сония этиб белгилаш (PAYME ва OSON тўлов ташкилотлари мисолида);

4. Мобиль тўлов иловалар орқали чет элда фаолият юритувчи тижорат банклар, мобиль операторлар, электрон ҳамёнлар, ижтимоий тармоқлар учун тўловларни амалга ошириш вақтида лимит миқдорини белгилаш ва ҳар бир амлиёт учун алоҳида SMS хабарномаларни юборишни жорий этиш ҳамда ушбу тасдиқлаш кодларини амал қилиш муддатини 30 сония этиб белгилаш;

5. Мобиль тўлов иловалари орқали амалга оширувчи ташкилотларнинг ягона бир тизимга (Марказий банк) улаб, ИИБ ва унинг қуйи тизимлари мурожаат қилган тақдирда зудлик билан ушбу ташкилотлар томонидан жиноят содир этиб масофадан фуқароларнинг банк пластик карталаридаги маблағларини эгаллаб олган банк пластик карталарга хизмат кўрсатмаслик тартибини жорий этиш ҳамда қора рўйхатни шакиллантириш (бу орқали фуқароларнинг банк пластик карталаридаги маблағлар масофадан бошқариш имкониятини тўхтатишга сабаб бўлади);

6. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритаётган банклар ва пул ўтказмаларини амалга оширувчи мобиль иловалар чет эл давлатларида жойлашган бир нечта виртуал хусусий тармоқдаги (VPN) IP манзилларини аниқлашга мўжалланган дастурий таъминотларни жорий этиш ҳамда ушбу (VPN) IP манзиллари орқали иловаларда ишлашни тўхтатиш йўлга қўйиш;

7. Банк пластик карталар ёрдамида пул ўтказмаларни амалга оширувчи мобиль тўлов иловаларда akkaунт фаоллаштирилишида ҳамда виртуал карталарни амалётга чиқариш вақтида мижознинг телефон рақами, телефон аппаратининг IMEI коди, IP-манзиллар рўйхати ҳамда фойдаланувчининг географик жойлашуви (геопозиция) тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ мавжуд бўлгандагина тўлов иловасини ишлашга рухсат берилиши шарт этиб белгилаш (MyUzCard тўлов ташкилоти мисолида);

8. Мобиль тўлов иловалар орқали банк пластик картадан пул ўтказмалари (P2P), чет элда фаолият юритувчи мобиль операторлар, электрон ҳамёнлар ва ижтимоий тармоқлар учун тўловларни амалга ошириш вақтида тажовузлардан ҳамда ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни аниқлаш имконини берувчи автоматлаштирилган дастурий тизимларни (FROD) ўрнатиш (OSON тўлов ташкилоти мисолида);

9. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритаётган банклар ва пул ўтказмаларини амалга оширувчи ташкилотларда шубҳали молиявий операцияларни (конвертация) аниқлашга қаратилган тизимли дастурларни жорий этиш;

10. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари, шунингдек, пул ўтказмаларини амалга оширувчи ташкилотларда ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашишда ва содир этилган жиноятларни фош этишда ҳамкорликни кучайтириш ҳамда амалиётга татбиқ этиш лозим.

Reference:

1. Khayitovich Y.D., Khurozovich N. E., Mamatovich K. K. Legal basis of solution of issues

- related to the citizenship of the republic of uzbekistan and prospects of their development //International Journal of Early Childhood Special Education. – 2022. – Т. 14. – №. 6.
2. Норбутаев Э.Х. Административно-процессуальные основы лицензирования оборота гражданского и служебного оружия в республике узбекистан //science and world. – 2013. – С. 29.
 3. Норбутаев Э., Еттибаев Г. Фаолиятни айрим турларини лицензиялаш ва рухсат бериш тартиботларини янада либераллаштиришнинг айрим масалалари //Общество и инновatsii. – 2021. – Т. 2. – №. 8/S. – С. 385-392. 35. Норбутаев Э. Лицензиялашнинг маъмурий-ҳуқуқий табиати ҳамда ички ишлар органларининг рухсат бериш фаолияти //Общество и инновatsii. – 2021. – Т. 2. – №. 4. – С. 40-47. 84 36. Норбутаев Э., Еттибаев Г. Некоторые вопросы дальнейшей либерализatsii лицензионно-разрешительных процедур для отдельных видов деятельности //Общество и инновatsii. – 2021. – Т. 2. – №. 8/S. – С. 385-392.
 4. Норбутаев Э. Ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришнинг айрим масалалари //Общество и инновatsii. – 2021. – Т. 2. – №. 5. – С. 69-77.
 5. Норбутаев Э.Х. Ички ишлар органларининг лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш фаолияти бўйича ваколатларини таҳлили //barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – С. 56-60.
 6. Таштемиров А.А., Калауов С. А. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ривожланиш концепциясининг истиқболлари ва киберхавфсизлигини таъминлаш зарурати //barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 8. – С. 245-250.
 7. Таштемиров А.А. Йулларда ҳаракатланишни тартибга солишнинг ҳуқуқий жиҳатлари ва бу борада технологиянинг аҳамияти //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 111-115.
 8. Таштемиров А.А. Ахборот технологиялари орқали содир этилган фирибгарлик жиноятларига қарши курашишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 14. – С. 320-327.
 9. Таштемиров А.А. и др. Ижтимоий тармоқлар орқали содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш чора-тадбирлари //Models and methods for increasing the efficiency of innovative research. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 24-31. 43. Таштемиров А.А. Фирибгарликка имкон берувчи шарт-шароитлар ва ушбу турдаги жиноятларга тайинладиган жазо тизимининг ўзига хослиги //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 42-48.
 10. Qushboqov, S., & Yetmishboyev, M. (2022). Jazoni ijro etish muassasalari ishtirokida tuziladigan fuqarolik-huquqiy shartnomalarning mohiyati va ahamiyati. Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences, 2(9), 76-80.
 11. Таштемиров А.А. Фирибгарликка имкон берувчи шарт-шароитлар ва ушбу турдаги жиноятларга тайинладиган жазо тизимининг ўзига хослиги //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 42-48.
 12. Охунов З., Қушбоқов Ш. Талабалар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.
 13. Qushboqov, S. (2023). Jazoni ijro etish muassasalarining yuridik shaxs sifatidagi tushunchasini yoritishda nazariy tahlil. Центральноазиатский журнал образования и инновatsii, 2(2 Part 2), 49-52.
 14. Қушбоқов, Ш. (2023). Юртимизда тадбиркорликни жазони ижро этиш тизимидаги истиқболи. Models and methods in modern science, 2(5), 114-117.
 15. Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида тадбиркорликнинг ўрни //Международная конференция академических наук. – 2022. – Т. 1. – №. 27. – С. 16-

20.

16. Нарбутаев Э. Административно-правовой характер лицензирования и лицензионная деятельность органов внутренних дел //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 4. – С. 40-47.